



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 9 август сешанба № 34 (761)

e-mail: info@press-iq.uz www.minjust.uz

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги олдида



Икки дарё билан белини боғлаб,
Тоғларда тасмадай йўл очган юртим.
Офтоби опичлаб, фалакни чоғлаб,
борар манзилларга нур сочган юртим...

Бобомиз юлдуздан тизганда мунчоқ
Илм чўққисидан юксалган елкам.
Икки қутб аро солиб ҳалинчак
Азалдан дунёни тебратган ўлкам...

Ҳар зарра қумингда тоғнинг қудрати,
Қаддинг тик, бошинг ҳеч ҳам бўлмаган эл!
Дунё саҳнасига чиқдинг — журъатли...
Ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган эл!

Адлия вазирлигида

Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди

Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Н.Йўлдошев бошқарган мажлисда адлия органлари ва муассасаларининг 2011 йилнинг ўтган 1-ярим йиллиги давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, жорий йилни муваффақиятли якунлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

ЙИГИЛИШДАГИ асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 1-ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-

тириш якунлари муҳокамасига бағишланган мажлисда белгиланган вазифалар амалга оширилишини таъминлашга қаратилди.

Мажлисда таъкидланганидек, ҳисобот даврида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида жами 577 та қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Вазирлик ташаббуси билан 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, тақдим этил-

ган идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан 135 таси давлат рўйхатидан ўтказилди. Ўтган ҳисобот даврида 608 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинди. Ҳисобот даврида адлия органлари томонидан фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид жами 2 мингга яқин муража-

ат, шунингдек, "Ишонч телефонлари"га 1 минг 338 та муражаат келиб тушиб, уларнинг аксарияти қаноатлантирилди. Ҳайъатда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб

қилинган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳўжалик шартномаларини тузиш ва уларни бажариш бўйича адлия органлари томонидан ўтказилган 4500 та текширишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, назорат қилувчи органлар томонидан 371 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти руҳсат олинмасдан, ноқонуний текширилганлиги, шунингдек, 1497 та ҳолатда текширишлар тартиби бузилганлиги айтиб ўтилди.

Бош прокуратурада

Муҳим масалалар муҳокама қилинди

вазифалар белгиланди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Бош прокуратура-сида Бош прокурор Р.Қ.Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

УНДА Бош прокуратура ходимлари ҳамда Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг таркибий тармоқлари раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, департаментнинг худудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш,

жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги 2011 йилнинг 1-яримдаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Ўтган даврда прокуратура органлари томонидан Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусида ҳамда жорий йилнинг 21 январидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида қилган маърузаларидан келиб чиқадиган прокуратура органларининг вазифаларини амалга оширишга устувор аҳамият берилди.

Касаначилик

Қуёшдан нақш олган юрт



ЯЙЛОВ ГИЛАМЛАРИ

БАҲОР КУНЛАРИ охирлаб, ёз тафти сезила бошлаб, қўй-эчкилар суруви тоғ яйловларига ҳайдалади. Яйловга ҳайдашдан олдин жун қирқуви ўтказилиб, тоғ томон ҳайдаб чиқилади.

Ёз бошларида Октошга бораётиб, йўл-йўлакай таниш қўйчивон Намоз ака ўтовига кўндик. Яйлов бошида ўрнатилган ўтовнинг чап томонидан тупроғи текисланган кичик майдонда ўтов бекаси Назокат опа қўлбола ускунада гилам тўқибётган экан. 4 метр узунликда жундан ўрилган илгар икки томондан ерга қўйилган ускунага ўрнатилган. Назокат опа қўлидаги арчадан ясалган чўптароқ ёрдамда чаққонлик билан гиламнинг асосини тўқирди.

— Жундан тўқилган гиламлар, биз чорвадорнинг бир авлодига хизмат қилади, — дея гапнинг лўндасини айтди Назокат опа. — Ранги ўчмайди, юз йил ўтса-да ўз рангида тураверади. Чунки қўй-эчкидан қирқиб олинган оқ, қизил, кўк, сариқ, малла рангдаги

жунлар урчуқ ёрдамида ипга айлантирилиб, калаваланади. Биласиз, қишнинг оқшомлари узоқ бўлади. Чўлга қишлагани борганимизда ана шу рангдаги жунлардан оқшомлари ип калавалаб, гилам тўқиб кўямиз. Ёзининг бошида ўтовга чиққанда, қўлбола асбобларимиз ёрдамида гилам, шолча, рўзгорнинг қозон-ўнғоғида ишлатиладиган бўюмлар солинадиган халтачалар, ўтов ўнининг белбоғларини тўқиймиз.

Ўтовдаги сўхбатлар давомида қўп нарсаларни билиб олдик. Жундан тайёрланган гиламларнинг тагида илон, чаён, чумоли каби турли хил жониворлар юрولмас экан. Яна бир жиҳати эса жун гиламлари намлиқни ўтказмай, ўта чидамлилиги билан ажралиб туради. Қадимда ўтов уйлар асосан қўлда тўқилган жун гиламлар билан тўшалиб чиқилган.

Назокат опадек айрим яйлов бекалари момоларидан қолган удумларга сadoқат билан ёндашиб, унутлиб кетатган касбини давом эттиришга таниш эътиборга молик.

Ватанимиз


дунё нигоҳида

Ўзбекистонликлар

ҳақли равишда

фахрланадилар

— Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Барча ўзбекистонликларнинг қўлтуғ байрами арафасида юртимиз ҳақида қандай фикрлар айта оласиз? Байрам олдида халқимизга қандай тилаклар билдирасиз?



Намиг АББАСОВ,

Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк кунлариданоқ жаҳон тажрибасини ҳар томонлама ўрганган ва барча воқеликларни инобатга олган ҳолда Президент Ислам Каримов томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига таъянган очик демократик давлат куриш дастури ишлаб чиқилди.

1991-2000 йилларда ўтиш даврининг ислохотлари ва янгилаштирилиши ҳамда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш борасидаги жараёнлар амалга оширилди. 2001 йилдан хозирга қадар фаол демократик янгилаштириш, мамлакатни ислохот қилиш ва модернизациялаш даври сифатида қаралмоқда ҳамда у иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, сиёсий, қонунчилик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислохот этиш, аҳоли турмуш даражасининг муттасил ўсиши каби жараёнлар билан аҳамиятлидир.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шартларида Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ўзига хос модели ўзининг нақадар тўғрилиги ва самарали эканлигини исботлади. Ривожланишнинг "Ўзбек модели" деб ном олган ушбу модель ҳақида жаҳондаги етуқ сиёсатшунослар, иқтисодчилар, экспертлар ва таҳлилчилар томонидан ижобий фикр-мулоҳаза, эътироф ва баҳолаб билдирилган.

Бугун Ўзбекистон халқи давлат ва жамият қурилишига оид энг муҳим тамойиллар мустаҳкамланган мамлакатнинг Асосий қонуни — Конституция бoш мезонларини белгилаб берган миллий давлатчиликнинг негизи шаклланишидан ҳақли равишда фахрланиши мумкин.

Озарбойжон Республикасининг стратегик шериклари қаторида Ўзбекистон Республикаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1995 йил 2 октябрда ўрнатилган.

Озарбойжон — Ўзбекистон алоқалари тарихида ХХI аср боши икки давлат раҳбарларининг ўзаро расмий ташрифлари, икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг жадал ривожланиши билан ажралиб туради. Имзоланган юздан ортик битимлар ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг барча баҳоларида алоқалар ривожининг ҳуқуқий базасини яратди. Озарбойжон — Ўзбекистон муносабатларининг негизи — бу асрлар давомида дўстлик ришталари билан боғланган халқларимизнинг хоҳиш-иродасидир. Ишончим комилки, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан биз келгусида ҳам ҳар томонлама дўстона алоқаларимизни, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ўзаро қўмакка асосланган муносабатларимизни мустаҳкамлашимиз ҳамда ҳамкорлик доирасини кенгайтиришимиз.

Улғусана — Мустақилликнинг 20 йиллиги билан Ўзбек халқини чин қалбимдан муборақбод этаман, янада юксак марралар, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

"Инсон ва қонун" газетаси муҳбири Дилфуза ЭРҲАШЕВА ёзиб олди.

Адлия вазирлигида: Янги Бош бошқарма!

Қонунчиликка риоя этилиши

Тизимли мониторинг ва назоратнинг муҳим тузилмаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари — Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Отабек МУРОДОВ билан суҳбат

— Отабек Бахритдинович, аввало, Адлия вазирлигида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳамда вазифалар хусусида тўхталсангиз.

— Мухтарам Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда эълон қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” доирасида суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш йўналишида бир қатор муҳим ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати алоҳида эътибор қаратилган.

Бу бежиз эмас. Зеро, бу масала замирида давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида мувофиқлаштириш ва ҳамкорликнинг етарли даражада эмаслиги, қонунчилик нормаларини айрим ҳолларда нотўғри, турлича, хато талқин қилиш ва қўллаш каби муаммоларнинг учраётганлиги асосий эътиборга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг ташкил этилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида қонунчиликни таъминлаш ва улар ўртасида ўзаро

тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш принципининг амалдаги самарали механизмининг такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадам ҳисобланади.

Ушбу янги тузилма қонун устуворлигини мухтамаклаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчиликнинг таъминланишига хизмат қилади.

Шу мақсадда, Бош бошқармага бир қатор муҳим вазифалар, жумладан, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчилик талаблари ва қонунчиликка риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни ташкил этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги қонунбузилиш ва суистеъмолликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг мажбурий тусдаги ҳужжатларини комплекс ўрганиш ва қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш, қонун ҳужжатларининг норма ва талабларини нотўғри талқин қилиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган амалий фаолиятни тизимлаштириш каби муҳим вазифалар юклатилди.

— Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат ишларини қандай тартибда олиб боради? Бундай тадбирларни ўтказишда аниқ режа ва муддатлар белгиланганми?

— Бош бошқарманинг қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш фаолияти белгиланган тартибда тасдиқланадиган комплекс дастурлар асосида давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизим-

ли мониторинг, таҳлил ва назорат қилиш тарзида амалга оширилади.

Бош бошқарманинг ҳудудий бўлимлари томонидан назоратни ташкил этиш ва ўтказиш Бош бошқарма билан келишилган иш режалари асосида амалга оширилади. Комплекс дастурлар ва ҳудудий бўлимларнинг иш режалари мамлакатимиз ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари, қонун ҳужжатларининг ижроси, фуқароларнинг муносабатлари, статистик ва бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларига асосан шакллантирилади. Бунда қайси соҳа, ҳудуд ва масала бўйича муаммо ва камчиликлар учраётганлигига ва уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича чоралар қўришга эътибор қаратилади.

Шу ўринда таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Бош бошқарманинг 2011 йилнинг июль-декабрь ойларига мўлжалланган комплекс дастури тасдиқланган бўлиб, унда жорий йилда бир қатор соҳалар бўйича тизимли назорат ва мониторинглар ўтказилиши назарда тутилган. Мазкур тадбирлар мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, Адлия вазирлиги зиммасига қонун ҳужжатлари билан юклатилган кенг қўламли ишларнинг аҳамияти ва самардорлигини ошириш масалаларидан келиб чиқиб белгиланган.

Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари назоратни амалга ошириш учун ваколатларига киритилган масалалар бўйича белгиланган тартибда давлат органларидан зарур ахборот, ҳужжатлар ва материалларни, шу жумладан таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни олиш; қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш учун дав-

лат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларини (якка тусдаги ҳужжатлар бундан мустасно) олиш; фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, илмий ва таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан белгиланган тартибда жалб этиш каби бир қатор ҳуқуқлардан фойдаланади.

— Мониторинг ва назорат жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қандай чоралар кўриш назарда тутилган?

— Бош бошқарма ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари томонидан тайёрланган ҳуқуқни қўллаш амалиётини назорат қилиш, умумлаштириш материалларини ўрганиш ва назорат қилиш объекти бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа тузилмаларга аниқланган қонун бузилишларини, уларнинг содир этилишига олиб келётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қабул қилиш учун юборилади.

Айни бир вақтнинг ўзига текширишлар натижасида аниқланган энг жиддий қонунбузилишлар бўйича материаллар ва умумлаштиришлар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига уларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни кўриш учун юборилади.

Шунингдек, Бош бошқарма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, келгусида уларнинг содир этилишига йўл

қўймаслик ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан тегишли таъсир чораларини қўллади.

— Айнан адлия органларига қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатининг берилганлиги ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида кузатиладими?

— Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг аксариятида Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатнинг амалга оширилишига масъул давлат органи сифатида ўрин тутди. Хусусан, АҚШ, Япония, Германия, Корея Республикаси, Канада, Австрия ва яна бошқа бир қатор мамлакатларда Адлия вазирлигининг асосий вазифа ва функциялари қаторига давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолияти устидан назорат қилиш функцияси ҳам киритилган. Бундан ташқари, мазкур давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазоларни ижро этиш фаолиятларини мувофиқлаштириш вазифалари ҳам Адлия вазирлиги зиммасидадир.

Таъкидлаш жоизки, адлия органларининг қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш соҳасидаги ролини кучайтириш билан боғлиқ кўрилатган чоралар бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос ва “ўзбек” моделига асосланган шакли бўлиб, унинг моҳиятида ислохот-ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун, деган таъйини мужассамдир.

Суҳбатдош: Дилором МАТКАРИМОВА, “Инсон ва қонун” муҳбири

Бош прокуратурада

Муҳим масалалар муҳокама қилинди

вазифалар белгиланди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳайъат мажлисида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш соҳаларида қонунчиликни тўлиқ таъминлаш, фуқароларнинг соғлигини сақлаш, ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда биринчи даражадаги тўловлар амалга оширилиши жараёнида йўл қўйлаётган қонунбузарликларни бартараф этиш чоралари кўришга йўл қўйилди.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, бу борада қабул қилинган Давлат дастурининг аниқ ва сўзсиз ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишнинг зарур чоралари кўришга йўл қўйилди.

Шу йил 9 февралда бу масалада Бош прокурорнинг махсус буйруғи, шунингдек, ушбу масалага бевосита масъул бўлган 16 та идора билан ҳамкорликда тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида қўшма кўрсатма қабул қилиниб, жойларга етказилганлиги эътиборга олинди.

Кишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, кишлоқ ҳўжалигидаги суистеъмолликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш, жорий йилда пахта ҳосилининг тўлиқ этиштирилишини таъминлаш борасида фаолиятнинг самардорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилганлиги қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлигини сақлаш ва шу каби бошқа

ҳуқуқларининг кафолатланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳамда баъзи ҳудудларда қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги танқид қилиниб, бу соҳада назоратни янада кучайтириш ва мутасадди идоралар томонидан йўл қўйлаётган қонунбузилишларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш топширилди.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури, кишлоқда уй-ҳўй, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари тармоқларини қўриш ҳамда инфра-тузилмани ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни тўдан яхшилаш талаб этилди.

Айрим ҳудудларда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар етарли эмаслиги кескин танқид қилиниб, бу йўналишда назорат фаолиятининг самардорлигини янада ошириш қатъий топширилди.

Назорат фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири эканлиги йўналиш қатнашчиларининг эътибори яна бир бор қаратилди.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ жалб этиш ҳамда коллеж ва лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Бош прокуратура ҳўзурдаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тезкор-қидирув имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар танқид

қилинди, бу йўналишдаги ишларни кучайтириш кўрсатиб ўтилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келинган.

Шунга қарамаддан, республика бўйича айрим жиноят турлари ошган. Мажлисда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолият устидан назоратни кучайтириш, дастлабки тергов жараёнида ҳар бир жиноятнинг сабаб-миқом берган шарт-шароитларни тўлиқ аниқлаб, қонунда белгиланган барча ваколатлардан фойдаланган ҳолда, ушбу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланишига эришиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йўналишда судларда жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини самарали таъминлаш орқали судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига қўмақлашиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Қадрларни танлаш, тайинлаш, тарбиялаш, шунингдек, уларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин ошириш бўйича фаолиятни янада яхшилаш ҳақида қарши талаблар қўйилди.

Бош прокурор томонидан вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, тегишли тармоқ раҳбарлари, шунингдек Бош прокуратура ҳўзурдаги Департамент ҳамда унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бош-ликлари олдида қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлашда масъулиятни янада ошириш борасида қатор вазифалар қўйилди.

Ҳайъат мажлиси ақунларига кўра прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунлар ижросини назорат қилиш фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати

Тизим тадбири

Мустақиллик моҳияти ифодаланди

НАМАНГАН ШАҲАР Халқ таълими бўлимига қарашли 22-сонли умумтаълим мактабда “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Вилоят адлия бошқармаси, Наманган тумани ФХД ва ХТБ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир бирда ХТБ ходимлари, педагоглар ва мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларнинг дам олувчилари иштирок этдилар. Анжуманда мустақилликнинг мазмун-моҳияти, уни янада мус-

таҳкамлаш зарурати, она Ватанимизнинг буюк ва муқаддаслиги хусусида сўз борди. Ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини юксалтириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбир барча иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Курбаноӣ КАРИМОВА, Наманган тумани ФХД мудири

ФУҚАРОЛАРИМИЗ ўз ҳақ-ҳуқуқларини тобора чуқурроқ аниқлаб бормоқдалар. Бу ҳақиқатни уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича адлия идораларига мурожаат қилётганларидан билиш мумкин. Энг муҳими, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ самарали миллий қонунчилик базаси яратилди.


БИНОБАРИН, Бухоро вилояти адлия бошқармасига 2011 йилнинг биринчи ярмида инсон ҳуқуқларига оид 99 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатларнинг 40 таси (40 фоизи) уларда келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини толанлиги сабабли қаноатлантирилди ҳамда бузилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тикланиши таъминланди.

Жумладан, Бухоро шаҳрининг “Отбозор” фуқаролар йиғинига қарашли “Калта-работ” кишлоғининг 22-уйида яшовчи И.Шодиевнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими томонидан имтиёзли пенсия тайинлаш рад қилинганлигидан норози бўлиб, адлия бошқармасига қўйилган мурожаати тегишли ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида фуқаро И.Шодиевнинг “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ имтиёзли пенсия тайинлаш учун асос бўлувчи иш стажини таъминлаш ҳақидаги аризани кўриб чиқишда ҳисобга олинмаганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат юзасидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Бухоро шаҳар бўлимига қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага асосан фуқаро И.Шодиевга 2011 йил апрелдан бошлаб 126.176 сўм миқдорда имтиёзли пенсия тайинланди ҳамда фуқаронинг пенсия тайинлаш ҳақидаги аризасини кўриб чиқишда масъулиятчиликка йўл қўйган ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Адлия аралашгач...

Раҳбар ариза ва шикоятга безътибор бўлса...

албатта, қонун олдида жавоб беради



Умуман, 2011 йилнинг биринчи ярмида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилмаган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли органларга 86 та тақлиф киритилиб, 79 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Хусусан, Жондор тумани ҳокимлигида “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ижроси бўйича ўтказилган ўрганишда айрим раҳбар ходимлар томонидан ариза ва шикоятлар белгиланган тартибда кўриб чиқилмаганлиги оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланди. Шунга кўра, адлия бошқармаси томонидан қонунбузиш ҳолатларига йўл қўйган

Жондор тумани ҳокимининг ўринбосари, туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бошлиғига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Жондор тумани судига юборилди ҳамда суднинг қарори билан ҳар иккиси айбдор деб топилди, маъмурий жаримага тортилди.

Шу билан бир қаторда, бошқарма томонидан ўрганишлар натижасида аниқланган ҳуқуқбузилиш ҳолатлари ва етказилган зарарларни ундириш юзасидан жисмоний шахсларнинг манфаатларини қўзлаб, судларга даъво аризалари киритиш амалиёти кенг йўлга қўйилган. Ярим йил давомида адлия бошқармаси то-

Шерзод БАҲРОНОВ, Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифини бажарувчи

Адлия вазирлигида

Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида жами 4 минг 372 та тақдимнома, 8 минг 638 та оғохнома ва 1759 та кўрсатмалар киритилди. На-тижада 4 минг 423 нафар айбдор шахс интизомий, 695 нафари маъмурий ва 21 нафари жиноий жавобгарликка тортилди. 998 та ҳужжатнинг ижроси тўхтатилди ёки бекор қилинди. 271 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Йиғилишда, шунингдек, Суд қарорларини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти йўналишидаги ишларни янада ривожлантириш юзасидан ҳам кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ҳайъатда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текшириш ва ара-лашишларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, суд ва бошқа орган-лар ҳужжатлари ижро этили-шини сўзсиз таъминлаш, ма-ҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг қарор лойи-ҳаларини ҳуқуқий эксперти-задан ўтказиш, қонун ҳуж-жатларини туркумлаш ва уларнинг ҳисобини олиб бо-риш, жойлардаги Нотариат, ФХДЭ идораларининг фао-лиятини янада такомиллаш-тириш, фуқароларнинг му-ро-жаатлари тўлиқ қўриб чи-қи-лишини таъминлаш юзаси-дан адлия органларига юк-латилган вазифаларни си-фатли бажаришга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар бе-рилди.

Ҳайъат мажлисида муҳо-кама этилган барча масала-лар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Қуёшдан нақш олган юрт

(Давоми. Боши биринчи бетда)

ЮРТ ЧЕВАРЛАРИ

Бойсун қадимдан ўзининг хунармандчилиги, чеварчи-лиги билан донг таратган. Ҳозир ҳам ана шу тоғли юрт-да аллақачон унутилиб кет-ган темирчилик, заргарлик, хунармандчилик касблари сақланиб қолган. Шаҳар мар-казидаги темирчилик устахо-наларига кирсангиз, моҳир усталарнинг пичоқ, чорва моллари учун тайёрланган турли хил асбоблар, уй-рўзгор буюмлари ясаётган-ликлари устидан чиқшингиз турган гап. Шаҳардаги дех-қон бозорининг бир бурча-гида хунармандлар тайёрла-ган турли хил буюм ва ас-бобларнинг бозори ҳаммиса гавжум бўлади.



лор ансамбли иштирокчилари учун кийим-кечаклар тай-ёрланмоқда.

Нодира Ҳайдарова устоз-лик қилаётган марказдаги чеварлар тўхётган турли хил гиламлар аста-секин жаҳон бозорига чиқмоқда. Айниқ-са, бу ерга ёз ойларида кел-ган сайёҳлар марказ қоши-даги савдо дўконидан гилам-чалар, тўн ва дўппилар хар-ид қилишаётганлиги эъти-борга лойиқдир.

— Хоналарга ўрнатилган махсус асбобларда пат ва тақир гиламлар тўқиймиз, — дейди Н.Ҳайдарова. — Бу гиламлар ўзининг чи-дамлилиги ва нафислиги билан ажралиб туради. Ги-лам тўқишга ишлатилади-ган иплар фақат табиий ҳолда тайёрланганлиги са-бабли кўчма нурида ҳам ранги ўймайди.

— Ипак ва пахтадан тай-ёрланган ипларга қандай усулда ранг берилди? — са-волга тугдиқ.

— Бариси табиий бўлади, — суҳбатга қўшилиди бўёқ ишлари билан бевосита шу-

гулланадиган Алим Орипов, — бунинг учун пибё, рўян (ўсимлик илдизи) ўрик да-рахтининг томири, анор ҳам-да ёнғоқ мевасининг пўчоги ёрдамида гилам иплари мис қозонларда қайнатилади. Соя жойда қуритилади. Ранг бериш табиийлиги учун, марказимизда тайёрланаёт-ган гиламларнинг қурилиши ҳар қандай кишини лол қол-диради.

Хунармандчилик маркази-да қатор хайрли ишлар амалга оширилган. Масалан, 2006 йилда Қозғистон Рес-публикасида ўтказилган Мар-казий Осиё ярмаркасида "Бойсун жандаси" матосини ишлаб чиқаришга сертифи-кат берилди. Бу маҳсулот ҳам табиий ип ва ранглар-дан иборат бўлиб, жуда қўримли ва харидорғирдир. Айни кунларда қишлоқ ва шаҳар хонадонларининг 20 нафар уй бекаси томонидан ҳам турли хил маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Собир ЁДИКОВ, журналист

Савол-жавоб

Кимлар меросхўр бўлолмайди?

— ВАСИЯТ БЎЙИЧА кимлар меросхўр бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши мумкин?

Б.АКБАРОВ, Шофиркон тумани

— ВАСИЯТ бўйича ме-росхўр бўлиш ҳуқуқидан кимлар маҳрум этилиши мумкинлиги юзасидан шуни таъкидлаш керакки, васият бўйича меросхўр бўлиши ман қилинган шахслар рўйхати қонунда белгилаб қўйилмаган. Аммо, амалдаги қонунла-римизда маълум бир че-ковлар ўрнатилганини кўриш мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексининг 66-боб, 1119-моддасида назарда тутилган асослар ворис, шу жумладан, ва-сият бўйича ворис этиб тайинланган шахс ҳам суднинг ҳал қилув қарори билан нолайиқ меросхўр деб топилши ва мерос олишдан четлаштирили-ши мумкин. Ушбу модда-да кўрсатилишича, мерос қолдирувчини ёки эҳти-мол тутилган меросхўр-лардан бирортасини қасд-

дан ўлдирган ёки улар-нинг ҳаётига суяқасд қил-ган шахслар васият бўйи-ча ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суяқасд қилин-ганидан кейин васиятно-ма берган шахслар бун-дан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзи-нинг охириги хоҳиш-иро-дасини амалга ошириш-га қасддан тўсқинлик қил-ган ва шу орқали ўзла-рининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворис бўли-шига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас-лар.

Фарзандларига нисба-тан ота-оналик ҳуқуқлари-

дан маҳрум этилган ва ме-рос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу бола-лардан қолган мулкка во-рис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, шунингдек, ме-рос қолдирувчи таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра, зиммаларига юк-латилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товла-ган ота-оналар (фарзанд-ликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзанд-ликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолат-лар бундай четлатиш кел-тириб чиқарадиган ворис-лик билан боғлиқ мулкчи оқибатларга дахлдор шахс-нинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Сами ҲАМРОЕВ, Шофиркон тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги олтидан

Халқ яратса, бунёд этса, фаровон яшаса...

шунинг ўзи бахт-саодат эмасми?!



(Публицистика)

...1991 йил. Куз кунларининг биринчи Янгибозор туманидаги Бо-голон қишлоғига хизмат сафари билан бордик. Ниятимиз қишлоқ аҳлининг истиқлол ҳақидаги тасав-вури, турмуш ҳақидаги ўй-фикр-ларини қозғошга тушириш ва респуб-ликаимизнинг нуфузли газетаси са-ҳифаларига олиб чиқиш эди. Қиш-лоқдан ўтиб борарканмиз, макка поқсидан ҳосилини ажратиб ола-ётган бир онахоннинг ҳаракати эътиборимизни тортди. Салом бе-риб, ёнига бордик. Ҳамроҳимиз: "Таниқли ижодкорнинг волида-муҳтарамаси шу киши бўладилар, ёшлари салкам 95 га чикди", дея таништирди бизни. Шу ёшида ҳам қўли-қўлига теғмай абжирона иш-лаётган онахонга имо қилиб. Мо-монинг жижкакина жисмига жо ум-он янглик катта инсонийлик сиф-атларини фақуллода илик иста-риқ, нур ёйлаётган хечрасида-ноқ билиб олиш мумкин.

— Келинлар, болаларим, — илик қарши олиб, — деди онахон. — Яна икки кундан кейин ён қўшимизникида тўй. Шунга мак-ка-боши тайёрлаб бераман. Қозонга солиб қовурса, ҳақиқий конфетнинг таъмини бергучи шир-инликка дўнади. Қани, юқорида ўтинлар, сизларга ҳам "конфет" тайёрлаб бераман. Дўконларда ан-чадан бери ширинлик йўқ, дейи-шяпти. Ширинлик бўлмаса, мак-кажўхори бор-ку? Тўйларимизда анчадан буюн конфет-шоколад ўрнига мана шу макка қовурмаси-ни дастурхонга тортишяпти.

Ҳамроҳимиз дўконларда қанд-курс йўқлиги боис одамлар дони ўткир жигар рангли янги макка на-вини топиб келтиришгани, унинг ҳосили одатдаги сарик рангли мак-кага қараганда ниҳоятда ширин экан-ини тушунтирди.

Намунача топогон-а, бу одамлар! ...Орадан чамаси яна 4-5 йилча вақт ўтди. Вилоят миқёсидаги кат-та йиғинларнинг биринчи маҳаллий шарабт ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларининг таъми ва шифо-бахшлиги юқори андазаларда экан-и эътироф этилгани ҳолда, вило-ят ҳокими ичимликлар жойланган идишларнинг безак ва ёрликлари хали-ҳамон хунуқлигича қолаётган-и, натижада бу оромбахш неъмат-хануз ўз харидорини тополмаётган-ини танқид қилди.

...Истиқлол ўз-ўзидан ва бе-зарурат юзага келмайди. У қўпича сўнгсиз ва адоқсиз муаммолар гир-добода тугилади. Халқимиз бу ай-ёмга қай афғозда қадам қўйганини бозордаги ширинлик танқислиги-ни маккажўхори сўтасидан ширин-лик тайёрлаш орқали бартараф этишга киришган онахоннинг ҳара-катлариданок сезиб оласиз. Иккин-чи мисол эса халқимиз йўқчилик гирдобидан халос бўлиб, тараққи-ётга юзлангани, истиқлол бозор-ларимиз тўқинлигини таъминлаш-дек ҳаётий муҳим вазифани муваф-фақиятли ундалагани ва бу пайтга келиб, оддийгина жузъий камчи-ликлар: хусусан, маҳсулотнинг таш-қиқ беағи ва ёрликларига ҳам ус-тувор назар билан қарала бошла-ганидан далоят.

Ва ниҳоят, истиқлолнинг 20 йил-лик бўсағаси... Бозорларда йўқ нар-саннинг ўзи йўқ. Юрт ахли ўтмиш айёмлардан фарқи ўлароқ молни бозор-у, дўконлардан минг ранжу-алам ва азоб ичра излаб топил-ташвишдан буткул халос бўлган. Халос бўлибгина қолмай, молни бозордан танлаб олиш имконини қўлга киритган. Фикри ожизми-зча, истиқлолнинг буюк ва залвор-ли қадамларидан бири — айнан шу.

Истиқлол одимларини мамлака-тимизнинг Ҳоразм вилояти мисоли-да ифодалашга жазм этган бўлса-ки, унинг қай бир соҳаси-ю, тар-моғи, қай манзилу маконлари, қай жабҳалари-ю, қай ютуқлари хусуси-да сўз очилган барибир ожизли-гимизни тан олмоғимиз даркор.

...Яқинда бир воқеадан хабар топдик. Маълум бўлишича, урган-чилик Фароғат дастурхонга қиё ҳақ қилиб, мезбон аёл қўлида сай-қал топган миллий зардўзи кўрпа-чаларда ўтиришга изн сўрашибди. Қўз ва кулоғинга инонмайсан, киши. Наҳотки, оддий ўзбек аёли қўлида жилаган хунармандчилик намуналари довруғи узоқ Америка қиъясигага етиб борган бўлса?! Лекин, ҳоҳ инонинг, ҳоҳ инонманг бу — ҳақиқат. Мехмонлар пировар-дида Фароғат қавиган безакли кўрпачаларга харидор бўлишди. Аммо, мезбон нақшинкор кўрпача-ни сотишдан кўра совға сифатида ҳадя қилишни афзал билди.

Фароғат оддий ўзбек қизи. Айни пайтда ақсарият ўзбек аёллари сингари қўли гул мезнапқаш, фазилатлари хўп бисёр инсон. Асли касби муал-лима эса-да, каштачилик — жоний-диди. Ўзбекининг нақшин-кор безакли кўрпачаларини тикувчи моҳир уста, айни пайтда қўли гул пазанда, ҳам. Яна бир яхши хислати: касбини ўзидан ўзига раво кўрмоғича-ни жини суймайди. Шу боски, зардўзи кўрпа, кўрпача ва ёстиқ қавиш сир-синаотини, жисмон-ий имконияти чекланган ногирон аёлларга қўнт билан ўратган. Натижада 60 нафар аёл каштачилик хунари соҳиб-ларига айланган. Фароғат ва унинг уста мақомига етиш-ган жами 70 нафардан зиёд шоғирдлари қўлида сайқал топган хунармандчилик маҳсу-лотлари Россия, Америка, Испания сингари мамлакат-ларига етиб борган.

2011 йил остонасига келиб, ви-лоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 11 минг 200 га етди. Сўнгги бир йил-нинг ўзида улар сафига яна 1810 та тадбиркорлик субъекти келиб қўшилди. Ҳозир биргина Фароғат Саъдуллаевага қарашли хусусий ишбилармонлик ўчоғи йилгига миллионлаб моддий бойликлар ярата-ётган экан, бунга юқорида қайд этилган 11 мингдан зиёд тадбир-корлик корхоналари улушини ҳам қўшиб ҳисобласа қанча бўлар экан?!

Бугунги кунда ушбу соҳанин-г янги худудий маҳсулотдаги улуши 71,8, аҳоли бандлигидаги ҳиссаси 78 фоизни ташкил этмоқда. Булар самараси ўлароқ 20 йиллик муста-қил тараққиёт айёмида вилоятда янги ички маҳсулот ҳажми 2,2 ба-равардан зийдроқ, аҳоли жон бо-шига ҳисоблаганда эса 1,7 бара-вар, реал даромадлар миқдори 4

баравар ўсди. Биргина 2010 йил-нинг ўзида воҳода саноат маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш 10,5, ис-теъмол моллари 12,6, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 5, капитал қўйилмалар 72,1, пудрат ишлари 26,6, чакана савдо айланмаси 13,4 фоизга ошди. (Вилоят ҳокимлиги ҳисоботидан.)

Маъзур факт ва рақамлар зами-рида юқалиш аталмиш буюк мар-ралар зоҳирлигини идрок этиш қийин эмас. Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Рустам ага Қўлимур-одов яқинда "Ўтган асрнинг 80 йиллари охирида элга тўй берган пулдор-амалдорлар томонидан дастурхонга тортилган ноз-неъмат-ларни ҳозирда оддий ва нисбатан камхарж ҳисобланган қишлоқнинг тўй дастурхонига бир солиштириб кўринг-а?", деб қолди. "Оқсоқол"-нинг сўзини мушоҳада этса туриб, халқимизнинг ҳозиргидай тўқин дастурхонига шуқрона айтдик... Дарҳақиқат, эгнидаги кийимидан булак хусусий мулкка эга бўлма-дида қишлоқнинг энди ўзлари учун қўша-қўша хашамдор иморатлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сервис корхоналарини бунёд эти-шяптир, замонавий оромжон ав-томашиналарни харид қилишяптир, халқ ва жамият раванга йўлидаги халол ва фидойи меҳнатларининг рағбатини топишяптир. Фактлар во-ҳодаги ҳар 100 оиланин 40 га яқини ўз шахсий автомобиллари-га эга эканлигини кўрсатапти. Ка-мина яшаётган мўъжазгина кўчада атғи 47 та хонадон мавжуд. Бар-моқ букиб санадик. Шу кичиккина манзилда фуқароларга қарашли 34 та шахсий автотранспорт восита-лари мавжудлиги аён бўлди. Тўқлик, фаровонлик, тўқин-сочинлик, тур-муш тараққиётининг ҳақиқий наму-наси шу эмасми?

Қарийб 160 километрик Туя-мўйин — Урганч — Манғит магист-рал сув қувурлари, унинг Копараз сув омбори, Питнак ва Урганч ша-ҳарларидаги йирик сув тинитиш ва тозалаб берувчи йирик иншоот лари;

"Ҳоразм-шакар" корхонаси; Марказий Осиёда энг узун 68 километрик Урганч — Хива — Ур-ганч троллейбус йўналиши; Урганч халқораз аэропорти; Ҳоразм Маълум академияси; Тошқоқда Амударё устига қурилган 781 метр узунлидаги ав-томобил ва темир йўл кўприги.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Халқимизнинг истиқлолга, ис-тиқлолнинг эса халқимизга берган буюк инъоми — айнан шулар, шу кабилар. Халқимизнинг келгуси авлодларга қолдиргучи муносиб мероси, бойлиги, куч-қудратимиз, раванқ ва истиқболимизнинг улкан тисмоли, бунёдкорларнинг эса ўз-ўзига қўйган маҳобатли "хайкали". Бир сўз билан айтганда, ватан та-раққиёти рамзлари, истиқлолимиз-нинг туганмас "булоқ"лари. Аммо, замондошларимиз буни кифоя би-лишмайди. Равнақнинг ҳал қилув-чи одимлари хали олдинда, деб ҳисоблашади.

...Хиёл муқаддам юртимизга келган голландиялик ишбилар-монлардан бири ҳайрат-ла деди: "Юртингизга, халқингиз-га ҳавас қиламан. Сизда эса бундай имконлар бисёр. Диё-рингизда шакланган ишончли бозор иқтисодиёти муноса-

батлари, кенг қўлам касб этган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раванқнинг мустақкам таянч-ларидир. Бу мамлакатингизда тараққиёт суръатларини тўхтовсиз ошира бориш имконини беради".

"Кейинги 4 йил ичида вилоятда янги ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари йилгига 6,1 фоиздан 10,2 фоизга етди. Шу давр ичида 197 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Халқимиз истиқлол айё-мига қадам қўйганидан буюн ўтган давр мобайнида жами 1,3 трилли-он сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди, 1,6 триллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари удаланди. Амалий сай-ҳаракат-лар турфайли фақатгина кейинги йилларнинг ўзида Осиё тараққиёт банки маблағлари эвазига Янгиар-рик, Қўшқўпир, Хива туманлари қишлоқлари бўйлаб жами 245 кило-метр масофага сув қувурлари тортиб борилди. Бунинг шарофа-тидан 60 га яқин қишлоқлар ва аҳоли пунктларининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирил-ди. Жаҳон банки маблағлари ҳисо-би эса Урганч шаҳрида қишлоқ 100 минг кубометр ҳажмида сувни то-залаб берувчи йирик иншоот ишга туширилди.

Тўқин ва фаровон турмуш неъматлари, бутун дунёда ўзини оқлаган бозор муносабатлари мустаққиллигимизнинг умрбоқий муста-шам "қошона"лари. Бирок, ушбу муборак айём барпо этган ана бир маҳобатли "қаср" ҳам борки, уни борлик бағридан эмас, одамлар қалби-дилидан изламоқ лозим. Бу — истиқлол турфайли юрагимизга жо бўлган юксак маънавият, янгича фикр ва янги тафаккур "қасри", де-сақ тўри бўлади. Қомил ишонч би-лан айта оламизки, энди биз ав-валги давр одамлари эмасмиз. Юк-сак маърифат, маънавият — ҳар би-римизнинг кўнгил мулкимиз.

"Биз иқтисод ва маънавият-ни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Чунки, иқтисодий та-наззулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлаша-ди. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ис-лохотларга қодир бўла олмай-ди.

Ана шу жиҳатдан қараганда, Ҳоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, тур-мушининг доно фалсафаси ва инсонпарварлик гоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърят маскани, дунёвий илм ўчоқла-ридан бири экани қувонарли ҳодиса", — деганди Президентимиз Ҳоразмда бўлганда.

Қўрапимизки, кўҳна ва умрбо-қий тарихининг нисбатан санокли-гина оналари мобайнида юртимиз эришган, етишган ютуқлар сони минг, марралар салмоқи уммонча. Уни 20 йил муқаддам халқимиз хоҳиш-иродасига биноан Юртбо-шимиз билан баҳамжиҳат барпо эт-ган мустақиллик аталмиш саховат "боғи"нинг тотли меваларига қиё-самоқдамиз. Чиндан ҳам шундай: диёримиз манзиллари истиқлол неъматларига лиммо-лими. Биз юқорида унинг айрим манзараси-нигина кузатдик, ҳолос.

Абдулла СОБИРОВ, журналист, "Олтин қалам" Миллий муқофоти совриндори

Ҳурматли юртдошлар!



“Асака” банк (ОАЖ)



Сизларни
Ўзбекистон
Республикаси
Мустақиллигининг
20 йиллик
байрами

билан таъриқлайди
ҳамда янги
муддатли омонат
пуфини
таклиф этади.

“Асака” банк сиз
билан доимо
ҳамкорлик
қилишдан
манфаатдор ва
мамнун
эканлигини
билдиради.



Миллий валютадаги омонат:

“ИСТИҚЛОЛ”

Сақланиш муддати — 7 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.

Филиаллар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
4. Юнусобод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	226-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	221-77-56
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун:

“Асака” банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Маънавият соати Яхшиликка ундайди

ИНСОН қалбидаги ёруғ туйғулар, эзгу фазилатлар уни ҳар доим яхшиликка отақлайди. Бундай фазилатлар, яхши хислатлар эса ҳар бир шахсда тарбия, ҳаётдаги ибрат, оила, маҳалла, таълим дароҳи таъсирида шаклланади.

МАЪНАН етук инсон жамиятга, юртга манфаат келтиради, хайрли мақсадлар учун изланади, меҳнат қилади. Виждонан ҳалол, ҳаётни, одамларни кадрловчи, ўз юртини севувчи, уни гўзаллаштиришга интилувчи инсонларга ҳамма ишонч билан қарайди. Муқаддас динимизда ҳам инсоний фазилатлар улуғланган, инсон маънавияти, ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратилган.

Адлия вазирлигида Ўзбекистон Муслмонлари идораси масъул ходими Зайниддин Эшонқулов билан “Маънавий етулик ва тарбия” мавзусида бўлган учрашувда шулар хусусида сўз борди. З.Эшонқулов юртимизда виждон эркинлиги тўла ка-

фолатлангани, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганлиги, элимизнинг бағрикенглик фазилати ижтимоий ҳаётда ёрқин акс этганлиги ҳақида сўз юритди. Халқимизга хос меҳр-оқибат туйғуси, ўзаро ғамхўрлик хислатлари муборак Рамазон ойида янада яққол намоён бўлаётганини, тинч-осуда ҳаёт шукронасида Истиқлол байрамини кўвончу хушнудлик билан кутиб олаётганимизни таъкидлади.

Учрашувда йиғилганлар мавзуга оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий тарғибот
ва ҳуқуқий таълим
бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази қуйидаги лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси
Фан номзоди, доцент — 1;
2. Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси
Фан номзоди, катта ўқитувчи — 1;
3. Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси
Кафедра мудири — 1;
Профессор, фан доктори — 1;
4. Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси
Кафедра мудири — 1;
Профессор, фан доктори — 1;
Фан номзоди, доцент — 1;
Фан номзоди, катта ўқитувчи — 1;
5. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси
Кафедра мудири — 1;
Фан номзоди, доцент — 1;
Илмий даражасиз катта ўқитувчи — 1.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Директор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонларини тасдиқловчи ҳужжатлар;
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон
чиққан кундан бошлаб 1 ой.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри,
“Ўзбекистон” шоҳқўчаси, 15-уй.
Телефонлар: 232-19-60, 232-19-64,
факс: 232-19-63.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг 2011 йил 19 июлдаги 6-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2011 йил 25 апрелдаги Назаров Чўли Раҳимовичга нисбатан адвокатлик макомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш муддати 6 ой муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори ҳамда Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 13 майдаги 45-ум сонли Бўйруғи Бекор қилинди.

Шу муносабат билан адвокат Назаров Чўли Раҳимовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тикланди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 29 июлдаги 169-ум сонли Бўйруғи билан “JASMINA-YASINJON” адвокатлик бюроси адвокати 2009 йил 21 майда берилган ВН 000022-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга Рўзилов Раҳман Рамазановичнинг 2011 йил 7 июлда “HAQIQAT IZIDAN” адвокатлик фирмаси тасисчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан бошқа адвокатлик тизимини ташкил этганига қадар ёки мавжуд адвокатлик тизимларидан бирига кирганига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатилган адвокатлик макомини тикланди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 1 августдаги 169-ум сонли Бўйруғига асосан 2009 йил 21 майда берилган ВН 000006-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Бухоро шаҳар “Буюро” адвокатлар ҳаёлий адвокати Аҳмадов Акбарло Абдуллаевичнинг адвокатлик лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макомини 2 ой муддатга тўхтатилади.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 11 ноябрда берилган ВН 000134-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга адвокат Хадиев Джалол Джумаевичнинг 2011 йил 7 июлда “HAQIQAT IZIDAN” адвокатлик фирмаси тасисчилари таркибидан чиққанлиги муносабати билан бошқа адвокатлик тизимини ташкил этганига қадар ёки мавжуд адвокатлик тизимларидан бирига кирганига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатилган адвокатлик макомини бошқарма бошқармасининг 2011 йил 20 июлдаги 149-ум сонли Бўйруғига қўра “Юллов Жаъл Юлпоевич” адвокатлик бюроси ташкил қилганлиги муносабати билан тикланди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси Куйичирик тумани ФХДБ бўлими мудираси Наргиз Умаровага отаси

Анорбой УМАРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия
изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 23 август, сешанба кунини чиқади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАСССА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан
нашр этилади

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Миллий ва Адвокат
ассоциацияси
0081-рақам билан
рўйхатга оlingан



Бош
муҳаррир:
Кўчкор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафаев Бўришом Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Очялов Аляксандр Муҳаммадович
Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Тошбекович
Тураев Тура Эргашевич
Слидов Шокир Камолович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-
дизайнер:
Тулқин
РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятини компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳаёда, офсет
усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа иттиҳодий уйида chop этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-2387. Тиражи — 14665.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайитов кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.az
Бахоси келишидан нарҳда
1 2 3 4 5